

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 04/30.12.2019.Tib.102.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ДУСАЛИЕВ ФАХРИДДИН МАХМУДОВИЧ**

**Ўғил БОЛАЛАРДА АНОРЕКТАЛ МАЛЬФОРМАЦИЯЛАРНИ  
ТАШХИСЛАШ ВА ХИРУРГИК ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.35 – Болалар жарроҳлиги**

**ТИББИЁТ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**САМАРҚАНД – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Дусалиев Фахриддин Махмудович**

Ўғил болаларда аноректал мальформацияларни

ташхислаш ва хирургик даволаш тактикасини

оптималлаштириш..... 3

**Дусалиев Фахриддин Махмудович**

Оптимизация диагностики и тактики

хирургического лечения аноректальных

мальформаций у мальчиков..... 23

**Dusaliev Fakhriddin Makhmudovich**

Diagnosis and optimization

of surgical treatment of anorectal

malformations in boys..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 44

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 04/30.12.2019.Tib.102.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ДУСАЛИЕВ ФАХРИДДИН МАХМУДОВИЧ**

**Ўғил болаларда аноректал мальформацияларни  
ташхислаш ва хирургик даволаш тактикасини  
оптималлаштириш**

**14.00.35 – Болалар жарроҳлиги**

**ТИББИЁТ ФАHLАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**САМАРҚАНД – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.Phd/Tib1304 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.sammi.uz](http://www.sammi.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эргашев Насриддин Шамсидинович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Алиев Махмуд Муслимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Юсупов Шухрат Абдурасулович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**С.Д. Асфендияров номидаги Қозоғистон миллий тиббиёт университети (Қозоғистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳузуридаги Phd.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «02» 04 соат 11 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Самарқанд шаҳри, М.Улугбек кўчаси, 70-уй, СамДТИ 2-сон клиникаси (Кўп тармоқли ихтисослашган болалар хирургия маркази), Тел/факс: 0(366)-233-58-92,233-79-03, e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4/01/4 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй, Тел/факс: (+99866)-233-30-34.

Диссертация автореферати 2022 йил «25» март кuni тарқатилди.

(2022 йил «    »      даги      рақамли реестр баённомаси).



**А. М. Шамсиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г. З. Шодикулова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**Ж. О. Атакулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бўйича аноректал мальформациялар (АРМ) болалар касалликлари таркибида катта улушни ташкил қилади ва болалар реконструктив жарроҳлигининг мураккаб бўлими бўлиб қолмоқда. Муаллифларнинг келтирган маълумотларига кўра «...ўғил ва қиз болаларда перинеал оқмаларни даволашда ўхшаш натижаларни кутмаслигимиз кераклиги, чунки улар жинсга тафовут қилинади...»<sup>1</sup>. Айни пайтда АРМ билан ҳар икки ҳолатнинг деярли биттасида ҳамроҳ нуқсонларнинг учрашининг кенг тарқалганлиги сабабли бошқа нуқсонларни ҳам мунтазам скрининг қилиш зарурияти мавжуд. Шу сабабли ўғил болаларда аноректал аномалияларни эрта ташҳислаш ва оғир асоратларини олдини олиш учун жарроҳлик жиҳатларини мақсадли ўрганиш энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда болалар колопроктологиясида эътиборли бўлган АРМ билан оғриган болаларнинг туғилишининг частотаси, бошқа аъзолар ва тизимларнинг нуқсонлари билан ҳамроҳ учраши, ҳамда даволаш ва профилактика усуллари такомиллаштириш борасида қатор мақсадли илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, АРМ билан оғриган болаларда органогенез жараёнида АРМнинг шаклланиши, жарроҳлик амалиёти пайтида ва даволанишдан кейинги кечки муддатлардаги асоратлар тавсифи, АРМни даволаш натижаларини гендер-махсус таҳлил қилиниши, беморларнинг ҳаёт сифатини аниқлаш, шунингдек самарали даволаш тартибини амалиётга тадбиқ қилиш чора тадбирлар комплексини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини тубдан оширишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, жумладан, болаларда АРМни эрта ташҳислаш, самарали даволаш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифатини ошириш, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликни олдини олиш...»<sup>2</sup> каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, АРМ билан касалланган болаларда касалликни учраш частотаси, нозологик шакллари касалланган болалар жинси билан ўзаро боғлиқлиги, аноректал мальформацияларда учрайдиган ҳамроҳ нуқсонларнинг оғирлик даражасини эътиборга олган ҳолда табақалаштирилган ёндашувлар орқали жарроҳлик аралашуви натижаларини яхшилаш асосида

<sup>1</sup> Stenstrom P., Christina Kockum, Ragnhild Emblem, Einar Arnbjornsson, Kristin Bjornland Bowel symptoms in children with anorectal malformation – a follow-up with a gender and age perspective. Journal of Pediatric Surgery 49 (2019) 1122-1130;

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

касаллик асоратлари натижасида юзага келадиган ногиронликни ва ўлим кўрсаткичини камайтириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Охирги йилларда ўтказилган илмий тадқиқотларда болаларда АРМни ташхислаш ва даволаш масалалари беморларнинг жинсидан қатъий назар кўриб чиқилмаган. Адабиётларда ўғил болаларда АРМнинг алоҳида нозологик шакллари таҳлил қилиш бўйича санокли тадқиқотлар мавжуд (Дегтярев Ю.Г., 2016; Rentea R., M., Levitt M.A., 2020; Holschneider A.M., Huston J.M., 2006; Alejandra Vilanova-Sanchez, Levitt M.A., 2020). АРМ билан оғриган болаларни даволашнинг асосий тамойиллари Stefens, Pena A., Lewitt M., Bischoff A. (АҚШ), Holschneider A. (Германия), Г.А.Баиров (Санкт-Петербург) ва А.И.Лёнюшкин (Россия Федерацияси) каби педиатрия секциясида колопроктология бўйича таниқли мутахассислар томонидан такомиллаштирилган. 2000 йилда Georgeson K. томонидан болаларда АРМни лапароскопия ёрдамида жарроҳлик даволашнинг қўлланилиши – LAARP ушбу мураккаб нуқсонларни даволашда янги туртки бўлди, Department of Surgery, Division of Pediatric Surgery, The Children's Hospital of Alabama, Birmingham, Alabama (АҚШ). Ушбу жарроҳлик даволаш усули нуқсонларнинг мураккаб ва юқори шакллари учун жарроҳлик даволаш усулининг олтин стандарти ҳисобланади ва дунёнинг кўплаб мамлакатларида қўлланилади (Ishimaru T. et all.2020).

Ҳозирги кунга қадар АРМнинг турли хил шакллари даволашда олд ва орқа сагитал аноректопластикани қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги ва афзалликлари муҳокама қилинмоқда (Holschneider A., Hutson J., Pena A. 2005). Ташхислаш ва даволашнинг мавжуд усуллари такомиллаштириш ва

тубдан янги усулларни ишлаб чиқиш зарурияти мавжудлиги, ҳамда 2005 йилда Крикенбек шахрида (Германия) болалардаги АРМга бағишланган дунёнинг етакчи колопроктологлари иштирокида ўтказилган келишув конференцияси турли мамлакатлар мутахассисларини бирлаштирди. (Ishimaru, T., Kawashima, H., Hayashi, K., Omata, K., Sanmoto, Y.,2020). Шу ўринда болаларда АРМни ташхислаш ва даволаш бўйича клиник кўрсатмаларни ишлаб чиқишда Ўзбекистонлик мутахассислар тақдим этган кўрсатмаларини ҳисобга олган ҳолда Россия консенсусини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиздир (Аверин В.И., Ионов А.Л., Караваева С.А.2015). Ушбу нуқсонларнинг турли шакллари ташхислаш ва даволаш борасидаги ютуқларга қарамай, қониқарсиз натижалар юқори даражада сақланиб қолмоқда.

Мамлакатимизда охириги йилларда АРМ касаллигини ўрганишга қаратилган қатор илмий тадқиқот ишлари бажарилганлигига қарамай, замонавий текширувларда касалликнинг оғир асоратларни ҳанузгача учраши, ўғил ва қиз болаларда урогенитал аъзоларнинг тузилиши ва топографиясининг ўзига хос хусусиятлари, органогенез жараёнида АРМнинг шаклланиши, жарроҳлик амалиёти пайтида ва даволанишдан кейинги кечки муддатлардаги асоратлар тавсифидаги фарқлар, АРМни даволаш натижаларини гендер-маҳсус таҳлил қилиш бўйича илмий ишларга кам эътибор берилмоқда.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш, соғлиқни сақлашнинг асосий вазифаларидан бири бўлган АРМ касаллигини даволаш самарадорлигини оширишга ва ногиронликнинг олдини олишга ёрдам беради. Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, АРМ касаллигини эрта ташхислаш ва даволаш тамойилларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш зарурлигини тақозо этади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01980006703 «Болаларда туғма ва орттирилган касалликларни диагностикаси, даволаш ва профилактикаси усулларини такомиллаштириш» (2009-2019 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўғил болаларда аноректал туғма нуқсонларни ташхислаш, даволаш тактикаси ва жарроҳлик аралашув усулини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

клиник материалларга асосланиб, болаларда АРМнинг жинсга оид частотаси ва нозологик шакллари ўрганиш;

ўғил болалардаги АРМни анатомик ўзгаришларининг хусусиятларини аниқлаш, касалликнинг хусусиятига қараб ташхислаш усулларини танлаш;

ўғил болалардаги АРМнинг айрим шаклларида хамроҳ келган нуқсонларнинг табиатини аниқлаш;

ўғил болаларда АРМни жарроҳлик тактикасини танлашни асослаш ва такомиллаштирилган олд сагиттал аноректопластика усулининг самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент шаҳар 2-сон болалар клиник жарроҳлик шифохонаси режали жарроҳлик бўлимида ва Республика перинатал маркази неонатал хирургия бўлимларида АРМ билан касалланган, жарроҳлик ва консерватив даво усулларининг турли босқичларидаги 1 кунликдан 15 ёшгача бўлган 246 нафар ўғил болалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни веноз қон, капилляр қон, биокимёвий тадқиқотлар учун қон зардоби ташкил қилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумий клиник, умумий қон таҳлили, ферментларни аниқлаш биокимёвий таҳлили, рентгенологик, МСКТ, МРТ, махсус функционал, электромиография ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор болаларда аноректал аномалияларнинг оралиқ ва пастки оқмали шаклларини модификацияланган жарроҳлик коррекция усули (IAP 04995) ишлаб чиқилган;

аноректал мальформациянинг алоҳида нозологик шаклларнинг частотаси ва клиник-анатомик шаклларида болалар жинсига қараб фарқланиши исботланган;

аноректал мальформацияларнинг оралиқ ва пастки оқмали шаклларида олд сагитал аноректопластика жарроҳлик усули пуборектал қовузлоқ ва ташки сфинктер мускулларининг структураси ва қон айланишини бузмасдан толаларга ажратиш орқали такомиллаштирилган;

ўғил болаларда кузатиладиган аноректал мальформацияларнинг ректоуретрал юқори оқмали шаклида кичик чанок аъзолари ва ундан ўтувчи қон томирлари, нерв толалари ва сфинктер мушаклари зарарланишини олдини олиш мақсадида қорин-оралиқ проктопластика жарроҳлик амалиётини қўллаш натижасида даволаш самарали эканлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

АРМда атрезияланган тўғри ичакни кўр учининг баландлигини аниқлаш учун таклиф этилган тактика ультратовуш ва рентген текширувларининг информативлигини оширганлиги асосланган;

ятроген, ташхисланмаган ва қайталанувчи оқмаларни фарқлашнинг тақдим этилган мезонлари жарроҳлик тактикасини танлаш имкониятини бериши аниқланган;

ичак оқмасини шаклантириш ва бартараф этиш босқичларида йўғон ичакни қон билан таъминлаш ҳолатини баҳолаш, сувда эрийдиган контраст ёрдамида дистал колостография ва проксимал ирригография текширувларини ўтказиш зарурлиги асосланган;

ўғил болаларда аноректал нуқсонлар билан ҳамроҳ кузатиладиган нуқсонларни аниқлаш жарроҳлик аралашув ва операциядан кейинги реабилитациянинг энг мақбул тактикаси тавсия этилган;



даволашнинг узоқ муддатли натижаларини таҳлил қилиш орқали реабилитация тадбирларининг мақбул дастури ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-лаборатор, инструментал, антропометрик ва статистик тадқиқот усуллари асосида ўғил болалардаги АРМни анатомик ўзгаришларининг хусусиятларини аниқлашнинг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти назарий тиббиёт учун муҳим бўлиб, клиник-функционал, биокимёвий, инструментал маълумотларни баҳолаш орқали АРМ билан касалланган болаларда нуқсонларни ривожланиши, гендер учраш частотаси, келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларнинг патогенетик механизмларини очиб бериш, ҳамда беморларда табақалаштирилган жаррохлик даволашни такомиллаштириш учун қўшимча диагностика ва даволаш мезонлари таклиф қилиниши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикасида патентланган "Болалардаги аноректал нуқсонларнинг оралик ва пастки оқмали шакллари жаррохлик йўли билан даволаш" (IAP 04995) усулини амалиётга тадбиқ этиш, бу усулни бирда ўғил ва қиз болаларда қўлланилиши натижасида эрта ва узоқ муддатли даволаш натижаларини самарадорлигини ошириш, касалликни авж олишини назорат қилиш, касалхонада даволаниш кунларини камайиши ҳамда эрта ногиронлик юзага келиш ҳавфини камайтириш ва беморлар саломатлигини сақлашга эришганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** АРМ аниқланган ўғил болаларни клиник-анатомик шакллари аниқлаш, ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аноректал мальформацияларда эрта ташхислаш ва диагностик мезонларини тизимлаштириш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган "Ўғил болаларда аноректал мальформацияларни клиник-анатомик шакллари ва ташхислашнинг ўзига хос хусусиятлари" номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги 8 н-р/899-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома АРМда назологик шакллари ажратиш, ташхислаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

аноректал мальформацияларда анъанавий жаррохлик муолажасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган "Ўғил болаларда аноректал мальформацияларни

жарроҳлик йўли билан коррекция усули ва тактикасини танлаш" номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги 8н-р/900-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома АРМда жарроҳлик муолажасининг самарадорлигини ошириш имконини берган;

ўғил болаларда АРМни жарроҳлик усули қўлланилганда такомиллаштирилган олд сагиттал аноректопластикадан фойдаланиш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Болалар миллий тиббиёт марказининг болалар жарроҳлик бўлими; 1-сон Тошкент шаҳар болалар клиник шифохонасининг болалар жарроҳлиги бўлимлари амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 9 декабрдаги 08-09/19452-сон маълумотномаси). Натижада ўғил болаларда АРМни ташхислаш ва жарроҳлик даволашда тактик ёндашувларнинг такомиллашиши ҳамроҳ қўшилиб келган нуқсонларни аниқлаш доирасини 59,5% дан 66,4% гача кенгайтириш ва умумжарроҳлик асоратларини 11,7% дан 7,4% га камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган, 1 та ихтиро патенти олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий матн 122 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги, мақсади ва вазибалари асосланган; тадқиқотнинг объекти ва субъекти тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган; тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган илмий мақолалар ва диссертация ишининг тузилиши ҳақидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **биринчи боби** – "Болаларда аноректал мальформацияларни ташхислаш ва даволашнинг замонавий жиҳатлари" деб номлаган бўлиб, бунда болаларда АРМнинг клиник ва анатомик шакллариининг частотаси, тарқалиши, этиопатогенези

ҳақидаги адабиёт маълумотларига умумий шарҳ берилган; АРМ таснифи, текширувлар, жарроҳлик усулида даволашнинг эволюцияси баён этилган. Даволашнинг эрта ва узоқ муддатли натижалари, ечимини кутаётган мунозарали муаммолар келтирилган.

Диссертациянинг **иккинчи бобида** – **"Клиник материалнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари»** келтирилган. Тадқиқот иши, 2009-2019 йилларда ТошПМИ Госпитал болалар хирургияси кафедраси клиник базаларида АРМнинг турли хил шакллари билан даволанган 1 кунликдан 15 ёшгача бўлган умумий 504 бемордан 246 нафар ўғил болаларнинг ташхис ва даволаш натижалари таҳлилига асосланган. Беморлар Крикенбекда (Германия, 2005) қабул қилинган АРМнинг халқаро таснифига мувофиқ тақсимланган. Беморлар 2 гуруҳга бўлинган: **1-гуруҳ (таққослаш гуруҳи)** – 2009-2014 йилларда клиникада анъанавий ташхислаш ва жарроҳлик тактикаси билан кузатувда бўлган 121 (49,2%) нафар беморни ўз ичига олади. **2-гуруҳ (асосий гуруҳ)** – 2015-2019 йилларда клиникада кенгайтирилган ташхислаш усуллари қўлланилган ва биз ишлаб чиққан жарроҳлик усули билан даволанган 125 (50,8%) нафар беморни ўз ичига олади.

Беморларнинг умумий ҳолатини баҳолаш учун мунтазам равишда клиник ва лаборатор ташхислаш усуллари қўлланилган. Ректоанал соҳанинг ҳолатини ва АРМнинг клиник ва анатомик шаклларини ва ҳамроҳ касалликларни аниқлаш учун болалар колопроктологияси қоидаларига мувофиқ функционал, махсус тадқиқот усуллари ўтказилди.

Диссертациянинг **учинчи бобида** **"Болаларда аноректал нуқсонларнинг частотаси ва жинсга боғлиқ фарқлари, ўғил болаларда клиник ва анатомик тафовутланишларнинг хусусиятлари"** таҳлил қилиниб, касалликнинг беморларни жинсига қараб индивидуал нозологик шакллар частотасидаги фарқлар келтирилган. Анатомик ўзгаришларни аниқлаш учун мақсадга йўналтирилган клиник ва инструментал тадқиқотлар ўтказилди. АРМнинг асосий клиник шакллариининг учраши – 220 (89,4%) нафар болаларда, кам учрайдиган минтақавий шакллари эса 26 (10,6%) нафар болаларда аниқланган. Қиз болаларда бу кўрсаткичлар – 163 (63,1%) ва 95 (36,9%) (1-жадвал) мос равишда тенг. Кўринарли оқмаси бўлмаган тўғри ичак атрезиясида 80 (84,2%) ўғил болаларда ва 15 (15,8%) қиз болаларда сезиларли тафовут кузатилди. Аномалиянинг ўхшаш варианты – бекилган анусда эса барча 15 (100%) нафар беморлар ўғил жинсига тегишлилиги аниқланди. АРМнинг ректал қопча шакли 6 (66,7%) ўғил ва 3 (33,3%) қизларда кузатилган.

Клиник материаллар таҳлили шуни кўрсатдики, қизларда АРМ ўғил болаларга қараганда кенгроқ нозологик шакллар билан ифодаланади.

**Крикенбек таснифи бўйича АРМ билан беморларнинг жинсига қараб  
учраш частотаси ва нозологик шакллари (n=504)**

<b>Ўғил болалар n=246 (48,8%)</b>		<b>Болаларда АРМнинг шакллари</b>	<b>Қиз болалар n=258 (51,2%)</b>	
<b>Абс.</b>	<b>%</b>		<b>Абс.</b>	<b>%</b>
<b>220</b>	<b>57,4</b>	<b>Асосий клиник шакллари n=383 (76,0%)</b>	<b>163</b>	<b>42,6</b>
80	84,2	Аноректал агенезиянинг оқмасиз тури (n=95)	15	15,8
59	65,6	Ректоперинеал оқма (n=90)	31	34,4
-	-	Ректовестибуляр оқма (n=93)	93	100
51	100	Ректоуретрал оқма (n=51)	-	-
9	100	Ректовезикал оқма (n=9)	-	-
6	54,5	Анус стенози (n=11)	5	45,5
15	100	Бекилган анус (n=15)	-	-
-	-	Клоака (n=19)	19	100
<b>26</b>	<b>21,5</b>	<b>Кам учрайдиган минтақавий шакллари n=121 (24,0%)</b>	<b>95</b>	<b>78,5</b>
1	3,3	Н-симон оқма (n=30)	29	96,7
-	-	Ректовагинал оқма (n=22)	22	100
-	-	Урогенитал синус (n=9)	9	100
6	100	Тўғри ичак-ёрғоқ оқмаси (n=6)	-	-
6	66,7	Ректал қопча (n=9)	3	33,3
8	80	Тўғри ичак стенози (n=10)	2	20
5	16,1	Анус эктопияси (n=31)	26	83,9
-	-	Бошқа шакллари (n=4):		
		• тўғри ичак иккиланиши (n=2)	2	100
		• клоака экстрофияси (n=2)	2	100
<b>246</b>	<b>48,8</b>	<b>Жами: (n=504)</b>	<b>258</b>	<b>51,2</b>

Қизларда ануснинг эктопияси кўп учради: 31 нафар боланинг 26 (83,9%) нафарида; нормал шаклланган анусда Н-симон оқмалар – 30 нафардан 29 (96,7%) тасида. Бошқа шакллар гуруҳидаги 4 нафар беморларнинг 2 нафарида тўғри ичакнинг иккиланиши ва 2 нафарида – клоака экстрофияси кузатилган. Болаларнинг жинсига қараб, оқмали АРМ частоталаридаги катта фарқ, қиз болалар пайдо бўладиган

ректогенитал (ректовагинал, ректовестибуляр ва Н-симон) оқма ҳосил бўлиш эҳтимолининг ўғил болаларда учрамаслиги билан тушунтириш мумкин. Қизларда репродуктив тизимдаги оқмали шаклларнинг сезиларли устунлиги (51:7 нисбатда) кузатилса, ўғил болаларда эса АРМнинг асосий клиник шаклларининг тўғри ичак (ректоуретрал, ректовезикал) оқмалари кўп учрайди (60:0 нисбатда). Адабиётларда туғма перинеал оқмалар ректовагинал оқманинг “эркаклардаги шакли” деб таърифланса, ректоуретрал ва ректовезикал оқмалар ректовагинал оқмаларнинг “эркаклардаги шакли”га тегишли” деб тан олинади. 132 нафар ўғил болалардан 67 (50,8%) нафарида "ички" (ректоуретрал, ректовезикал, ректал қопча) оқмалар кузатилди. Бу урогенитал тизимнинг иккиламчи инфекциясини олдини олиш учун шошилиш жарроҳлик амалиётини ўтказишга кўрсатма бўлади. 197 нафар қизларнинг 73 (73,5%) нафарида “ички” оқмалар, шу жумладан клоака кузатилди. Таҳлил шуни кўрсатдики, атрезиянинг оқмали шаклларида, шу жумладан ректоперинеал шаклларда, 90 (100%) ҳолларда (ўғил болалар – 59 (65,6%); қизлар – 31 (34,4%)) оқманинг тешиги торайиб, ичак тутилиши аломатлари ривожланганлиги аниқланди, бу ҳолат шошилиш жарроҳлик амалиётини ўтказишга кўрсатма бўлди.

Оқма йўлининг узунлиги ва кенглигининг турли хил бўлиши, торайиш ва торайишсиз, ўғил болаларда АРМ шаклларининг анатомик вариациялари консерватив даво ёки шошилиш жарроҳлик аралашувини талаб қиладиган оқмали шаклларида кузатилади. Ички ректоуретрал оқмалари турли жойлашувга эга бўлиши мумкин. Йўғон ичакнинг алоҳида сегментининг мавжудлиги ёки йўғон ичакнинг бутунлай ривожланмаслиги каби шакллар туғма ректал қопчада кузатилади, бу нуқсоннинг турига (тўлиқ, тўлиқ бўлмаган) қараб, жарроҳлик амалиётидан олдинги ташхислаш ва жарроҳлик-тактик ёндашувни талаб қилади.

Биз томондан ишлаб чиқилган АРМни ташхислаш алгоритмининг амалиётга тадбиқ қилиниши, ўғил болаларда ушбу нуқсонларнинг турли клиник шакллари ва уларнинг анатомик ўзгаришларини, ҳамроҳ кузатиладиган нуқсонларнинг частотаси ва тавсифини аниқлаш имконини беради (1-расм).

Тақдим этилган ташхислаш алгоритми, шунингдек, АРМ билан оғриган ўғил болаларни даволаш тактикасини аниқлашга ҳам хизмат қилади. 161 (65,4%) нафар беморларда: тўғри ичак атрезиясининг оқмасиз шакллари (80), анал мембранаси (15); ректоуретрал оқма (51), ректовезикал оқма (9), ректал қопча (6), ичак тутилиши белгилари билан намоён этиб, шошилиш жарроҳлик аралашуви амалга оширилди.




**1-расм. Ўғил болаларда АРМни анатомик шакллари аниқлаш ва ташхислаш алгоритми**

Кенг қамровли текширувлар натижасига кўра 246 беморнинг 155 (63%) нафарида 220 та ҳамроҳ нуқсонлар аниқланди. 2015 йилдан бошлаб кўшимча ташхислаш усулларини қўллаш ҳисобига беморларнинг асосий гуруҳида ҳамроҳ кўшилиб келган нуқсонларни аниқланиш салмоғи кўпайди. АРМ билан касалланган 186 (75,6%) беморда ўтказилган нур текширув усулларини самарадорлигини юқорилиги тасдиқланди. 159 (85,5%) нафар беморларда умуртқа поғонаси, буйраклар, сийдик йўллари ва йўғон ичакнинг турли норасоликлари аниқланди. Ректал агенезиянинг оқмасиз шакллари (32,5%) ва ректоуретрал оқмаларда (21,1%) ҳамроҳ нуқсонларнинг яққол устунлиги кузатилди. Ҳамроҳ нуқсонлар орасида сийдик-таносил тизими – 60 (24,4%), ошқозон-ичак тракти – 56 (22,8%), ҳаракат-таянч тизими, шу жумладан умуртқа поғонаси – 53 (21,5%), юрак қон-томир тизими – 35 (14,2%) нуқсонлари устунлик қилди. 94 (60,6%) нафар болада ҳамроҳ нуқсонлар организмнинг битта тизимидан ривожланган бўлса, 61 (39,4%) нафар беморда – икки ёки ундан ортиқ тизимдан келиб чиққанлиги аниқланди. Улардан 4 (6,6%) тасида патология VATER-синдроми (2 нафар беморда), VACTER компонентлари (1 нафар беморда) ва VACTERL ассоциацияси (оёқ-қўллар норасоликларини ҳам ўз ичига олади) (1 нафар беморда) деб баҳоланди. Оқибатининг жиддийлиги ва махсус жарроҳлик амалиётларини талаб қиладиган ҳолатларни, аксарият, АРМнинг сийдик-таносил тизими билан ҳамроҳ нуқсонларида кузатдик. Умуртқа поғонаси касалликлари миелодисплазия элементлари билан уйғунлашгандаги вертебрал бузилишлар (88,7%) дефекация ва сийиш жараёнининг функционал бузилишларини оғирлаштирувчи омиллар бўлиб хизмат қилган.

Ҳамроҳ нуқсонларнинг юқори даражада учраши АРМларнинг маҳаллий бузилиш эмаслигини, балки эмбриогенезда пайдо бўладиган нуқсонларнинг кенг спектрининг бир қисми эканлигини кўрсатади. Улар даволанишнинг эрта ва узоқ муддатли натижаларига сезиларли таъсир кўрсатади ва АРМ билан оғриган беморларни мақсадга йўналтирилган текширувлардан ўтказишни талаб қилади.

**Диссертациянинг тўртинчи "Ўғил болаларда аноректал нуқсонларда жарроҳлик тактикаси ва усулини танлаш" бобида жарроҳлик тактикаси ва коррекция усуллари таҳлил қилинган. Даволаш тактикаси ва жарроҳлик коррекция усули, ишлаб чиқилган даволаш тактикаси алгоритмига мувофиқ аниқланди (2-расм).**

246 нафар ўғил болалардан 242 (98,4%) нафарида жарроҳлик аралашуви ҳаётининг турли даврларида ўтказилган бўлса, консерватив даво – 4 (1,6%) нафар беморда (анал стенозда – 2, ануснинг нисбатан олдинга силжишида – 2) ўтказилди. АРМнинг айрим нозологик шаклларида бажарилган жарроҳлик аралашувлари сони ва тавсифи 2-жадвалда келтирилган.



2-расм. Ўғил болalarda APMда даво тактикаси алгоритми



## Ўғил болаларда АРМда қўлланилаган жарроҳлик аралашуви турлари ва усуллари (n=242)

АРМ шакллари	Жарроҳлик аралашуви тури					
	Коло-стома қўйиш	ҚОПП	Оралик соҳасидаги жарроҳлик кесими билан			
			ОПП	Орқа САРП	Олд САРП	Клиника усулида олд САРП
Анус стенози (n=4)	-	-	-	-	4	-
Аноректал стеноз (n=8)	-	-	-	-	8	-
Анус эктопияси (n=3)	-	-	-	-	-	3
Бекилган анус (n=15)	-	-	15	-	-	-
Оқмасиз атрезия (n=80)	5	-	75	-	-	-
Ректал қопча (n=6)	6	-	-	-	-	-
Ректовезикал оқма (n=9)	8	1	-	-	-	-
Ректоуретрал оқма (n=51)	33	-	-	-	5	13
Ректоуретрал оқманинг Н-симон шакли (n=1)	-	-	-	-	-	1
Ректоперинеал оқма (n=59)	2	-	-	1	25	31
Тўғри ичак-ёрғоқ оқмаси (n=6)	-	-	-	-	5	1
<b>Жами 242</b>	<b>54</b>	<b>1</b>	<b>90</b>	<b>1</b>	<b>47</b>	<b>49</b>

**Изих:** ҚОПП – қорин-оралиқ проктопластикаси; ОПП – оралиқ проктопластикаси; Орқа САРП – орқа сигиттал аноректопластика; Олд САРП – олдинги сигиттал аноректопластика; Клиника усулида олд САРП – клиника усулида такомиллаштирилган олдинги сигиттал аноректопластика.

Сигмастома шакллантириш билан босқичма-босқич жарроҳлик даволаш тактикаси танланганда, 4-6 ойдан кейин такрорий жарроҳлик аралашуви ва стомани ёпиш учун оптимал вақт деб ҳисоблаймиз, чунки бу муддатда жарроҳлик аралашуви майдонидаги яллиғланиш ва склеротик ўзгаришлар пасаяди. Жарроҳлик аралашувини узоқ вақтга кечиктириш билан сийдик йўллариининг иккиламчи инфекцияси, дефекация ва сийиш ҳаракатларини тартибга солувчи физиологик механизмларнинг босилиш хавфи ортади. 9 (29,0%) нафар беморда сигмастома фаолиятида қолдирилди,

бу эса ўз навбатида такрорий жарроҳлик аралашувини талаб қилди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Ўғил болаларда АРМ бўйича бирламчи жарроҳлик аралашувидан кейинги асоратларда ва сигмастомани ёпишда ўтказилган такрорий жарроҳлик аралашувларининг тавсифи (n=54)

Такрорий аралашув номи	АРНнинг клиник шакллари					
	Оқмасиз	РПО	РУО	РВО	Тўғри ичак-ёрғоқ оқмаси	Жами
Стомани бартараф этиш билан ҚОПП	1		21	8		30
Стомани ёпмасдан оқмани бартараф этиш ҚОПП			(3)*			3
Лапаротомия, оқма ва стомани бартараф этиш, ингичка ичакни пастга тушириш					4*	4
Стомани ёпишга муҳтож бўлган беморлар	(4)**		(2)**		2**	8
Олд САРП			(1)*			1
Клиника усулида олд САРП		1	(1*)			2
Орқа САРП		1	(4)*			5
Комбинацияланган ҚОПП			1			1
<b>Жами</b>	<b>5</b>	<b>2</b>	<b>33</b>	<b>8</b>	<b>6</b>	<b>54</b>

Изоҳ: ( ) \*қавсда стомани ёпмасдан; ( )\*\* стома ёпилмасдан ўлган. \*Тўлиқ зарарланган шаклида; \*\* Қисман зарарланган шаклида

АРМларни жарроҳлик даволаш натижалари уларнинг клиник ва анатомик шаклларига, боланинг соматик фонига, даволанишнинг узоқ муддатли натижаларини оғирлаштирадиган соматик, махсус ва умумжарроҳлик асоратларнинг частотаси ва табиатига боғлиқ.

АРМ билан касалланган 246 нафар ўғил болаларнинг 243 (98,8%) нафари касалхонадан уйга чиқарилди: жарроҳлик даволашдан кейин – 239 (98,4%) нафар, консерватив даволанишдан кейин – 4 (1,6%) нафар.

Жарроҳлик аралашуви ўтказилган 242 беморнинг 181 (74,8%) нафарида аралашувдан кейинги давр силлиқ ўтди. 61 (25,2%) нафар

беморда турли асоратлар ривожланди: соматик асоратлар – 24 (9,9%); умумжарроҳлик асоратлар – 23 (9,5%); махсус асоратлар эса 14 (5,8%) нафар беморда кузатилди.

Соматик асоратлар (зотилжам (11), сийдик ажратиш тизими инфекцияси (3), септик ҳолат (2), юрак қон-томир (5) ва полиорган етишмовчиликлари (3) асосан акушерлик ва гинекологик анамнези ноқулай бўлган оналардан туғилган чақалоқларда кузатилди. Перинатал ва интранатал омиллар сабабли ривожланган асоратлар эса 24 (9,9%) нафар беморда кузатилди: таққослаш гуруҳида 16 (13,3%) нафар беморда, асосий гуруҳида – 8 (6,6%) нафар.

Соматик асоратлар шошилич жарроҳлик аралашувидан кейин 12 (50%) нафар беморда – эрта неонатал ва ҳаётининг дастлабки 7 кунлигида, 6 (25%) нафар беморда – 3 ойликгача; 6 нафар беморда эса катта ёшдаги ўғил болаларда кузатилди. Соматик асоратлар умумжарроҳлик ва махсус асоратлар кечишини оғирлаштиради. 3 (12,5%) ҳолатда, улар АРМнинг мураккаб шакллари бўлган асосий гуруҳида янги туғилган чақалоқлар ўлимнинг танатогенезида етакчи ўринни эгаллади.

ҚОПП ва оралик жарроҳлик усулларида қатъий назар, АРМ билан жарроҳлик аралашувдан кейинги даврда умумжарроҳлик асоратлари 23 (9,5%) беморларда, ҳар хил частотада (оператив жароҳат қирғоқларини қисман очилиши 14 нафар беморда; ичак парези – 4 беморда, ичак эвентрацияси – 3 беморда, перитонит – 2 беморда) кузатилди. Бу асоратлар таққослаш гуруҳида жами 14 (11,7%) нафар беморда, асосий гуруҳида эса 9 (7,4%) нафар беморда кузатилди.

Махсус асоратлар (туширилган ичак ретракцияси 2 нафар беморда, туширилган ичак стенози – 2 беморда, анастомоз герметиклиги бузилиши – 1 беморда, қорин ичи инфилтрати – 1 беморда, такрорий оқма – 3 беморда, ичак оқмаси – 1 беморда, туширилган ичак шиллик қаватининг бўртиб қолиши – 2 беморда, оралик соҳасининг чандикли ўзгаришлари – 2 беморда) жами 14 (5,8%) нафар беморда кузатилди: таққослаш гуруҳида – 9 (7,5%) беморда, асосий гуруҳида – 5 (4,1%) беморда.

АРМнинг мураккаб шаклларида жарроҳлик аралашувидан кейинги ўлим ҳолати 3 (1,2%) нафар беморда қайд этилди: таққослаш гуруҳида – 2 (66,7%) беморда, асосий гуруҳида – 1 (33,3%) беморда. Ўлимнинг танатогенезида оғир соматик касалликлар ва улар билан бир вақтда ҳамроҳ тарзда келган нуқсонлар асосий сабаб бўлди.

Узоқ муддатли натижалар 243 нафар беморнинг 168 (69,1%) нафарида уйга жавоб берилгандан сўнг 6 ойдан 14 ёшгача даврда ўрганилди. Улар орасида 93 (55,4%) нафар беморлар асосий гуруҳдан, 75 (44,6%) нафар беморлар эса таққослаш гуруҳидан бўлган. 165 (98,2%) нафар бемор жарроҳлик даволашдан сўнг, 3 (1,8%) нафар бемор консерватив даволашдан сўнг текширилди. Даволаш натижалари

Крикенбек Халқаро Конгресс тавсияларига мувофиқ тегишли ва текшириш усуллари билан баҳоланди (4-жадвал). Касалхонадан чиққандан сўнг узок муддатли даврнинг турли вақтларида 5 та беморда (таққослаш гуруҳидан – 3 та, асосий гуруҳдан – 2 та) интеркуррент касалликлардан ўлим ҳолати қайд этилди. Бу ҳолатлар қониқарсиз натижалар деб таснифланди. Шундай қилиб, умумий ўлим даражаси 8 (3,2%) ҳолатни ташкил этди: таққослаш гуруҳида – 5 (4,1%), асосий гуруҳда – 3 (2,4%).

#### 4-жадвал

### Ўғил болаларда АРМни асосий ва таққослаш гуруҳидаги беморларда консерватив ва жарроҳлик аралашуви усулига боғлиқ ҳолда даволашнинг узок муддатли натижалари (n=168)

АРМ шакли	Асосий гуруҳ (n=93)						Таққослаш гуруҳи (n=75)					
	Яхши		Қониқарли		Қониқарсиз		Яхши		Қониқарли		Қониқарсиз	
	Абс	%	Абс	%	Абс	%	Абс	%	Абс	%	Абс	%
Консерватив даво (n=3)	3	100	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
ҚОПП (n=26)	4	28,6	8	57,1	2	14,3	-	-	7	58,3	5	41,7
Комбинацияли ҚОПП (n=2)	-	-	-	-	-	-	-	-	1	50	1	50
Орқа САРП (n=4)	1	50	1	50	-	-	-	-	1	50	1	50
Олд САРП (n=31)	7	53,8	5	38,5	1	7,7	7	38,9	8	44,4	3	16,7
Клиника усулидаги Олд САРП (n=31)	19	73,1	6	23,1	1	3,8	2	40	2	40	1	20
Бошқа оралиқ жарроҳлик аралашувлари (n=68)	17	53,1	14	43,8	1	3,1	12	33,3	17	47,2	7	19,5
Стома қўйилгандан сўнг, асосий нуксонни баргараф этмасдан (n=3)	-	-	-	-	3	100	-	-	-	-	-	-
<b>Жами (n=168)</b>	<b>51</b>	<b>54,8</b>	<b>34</b>	<b>36,6</b>	<b>8</b>	<b>8,6</b>	<b>21</b>	<b>28,0</b>	<b>36</b>	<b>48,0</b>	<b>18</b>	<b>24,0</b>

Изоҳ: таққослаш гуруҳларига нисбатан (P<0,05)

Асосий гуруҳдаги беморларда даволашнинг эрта ва узоқ муддатли натижалари яхши бўлди. Буни жарроҳлик аралашувидан олдинги ва кейинги даврларда беморлар парваришининг тактик ва техник жиҳатларини такомиллашганлиги ва оптималлашганлиги, АРМнинг анатомик хусусиятларини ва тегишли аъзоларнинг функционал бузилишларини аниқлаш учун юқори маълумотли текшириш усулларини, шунингдек олд сагиттал аноректопластиканинг такомиллашган усулини жорий этиш билан изоҳлаш мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, даволаниш натижалари ҳамроҳ учраган умуртқа поғонаси нуқсонлари, ва унинг натижасида ривожланган аноректал соҳа иннервациясининг бузилишларига ҳамда йўғон ичакнинг узунлик даражасига боғлиқ бўлади.

## ХУЛОСАЛАР

1. Болаларда АРМнинг турли хил клиник ва анатомик шакллари ўғил болаларниқига (48,8%) нисбатан қизларда (51,2%) биров кўпроқ учрайди. Ўғил ва қизлар ўртасида аноректал мальформацияларнинг асосий клиник шакллари (89,4% ва 63,2%) ва кам учрайдиган минтақавий вариантларининг (10,6% ва 36,8%) частотаси ва анатомик шаклларида катта тафовутлар мавжуд.
2. Ўғил болаларда АРМнинг энг кўп учрайдиган шакллари бу ички оқмалар (27,2%) билан тавсифланадиган оқмали шакллари (53,7%) бўлиб, 26,4% ҳолатда ташқи оқмалар кўринишдаги шакллар ва 38,6% ҳолатда эса оқмасиз шакллар билан клиник намоён бўлади. 7,7% ҳолларда ануснинг патологик ўзгарган ёки атипик жойлашуви кўринишида учрайди.
3. Баъзи беморларда махсус текшириш усуллари натижаларига етарлича баҳо берилмаганда, нуқсонларнинг анатомик ўзгаришлари тўлиқ аниқланмай қолади. Бу касалликнинг якуний тактик ва оператив-техник ечимини танлашни қийинлаштиради.
4. Ўғил болаларда АРМда 63% ҳолатда ҳамроҳ нуқсонлар кузатилади. Ректал агенезиянинг оқмасиз шакллари (32,5%) ва ректоуретрал оқмаларда (21,1%) ҳамроҳ нуқсонлар кўпроқ учрайди. Ҳамроҳ нуқсонлар орасида сийдик-таносил тизими (24,4%), ошқозон-ичак тракти (22,8%), ҳаракат-таянч тизими, шу жумладан умуртқа поғонаси (21,5%), юрак қон-томир тизими – (14,2%) нуқсонлари устунлик қилди.
5. Ўғил болаларда АРМда биз томондан ишлаб чиқилган ташхислаш алгоритми турли клиник ва анатомик шаклларни текшириш натижасини яхшилашга ва улар билан ҳамроҳ касалликларни аниқланишини купайишига имкон берди.

6. Биз таклиф этаётган жарроҳлик усули операциядан кейинги асоратлар сонини камайтиришга имкон берди: умумжарроҳлик – 11,7% дан 7,4% гача; махсус – 7,5% дан 4,1% гача, жарроҳлик аралашувидан кейинги ўлим ҳолати – 1,6% дан 0,8% гача. Яхши натижалар 28% дан 54,8% гача яхшиланди; қоникарсиз натижалар – 24% дан 8,6% гача камайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 04/30.12.2019.Тib.102.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
САМАРКАНДСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ДУСАЛИЕВ ФАХРИДДИН МАХМУДОВИЧ**

**ОПТИМИЗАЦИЯ ДИАГНОСТИКИ И ТАКТИКИ ХИРУРГИЧЕСКОГО  
ЛЕЧЕНИЯ АНОРЕКТАЛЬНЫХ МАЛЬФОРМАЦИЙ У МАЛЬЧИКОВ**

**14.00.35 – Детская хирургия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**САМАРКАНД – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2020/2/PhD/Tib1304

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (русский, узбекский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.sammi.uz](http://www.sammi.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Эргашев Насриддин Шамсиддинович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Алиев Махмуд Муслимович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Юсупов Шухрат Абдурасулович**  
доктор медицинских наук

**Ведущая организация:**

Казахский национальный медицинский университет имени С.Д. Асфендиярова (Республика Казахстан)

Защита диссертации состоится «02» 04 2022г. в 11 часов на заседании Научного совета PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 при Самаркандском Государственном медицинском институте. (Адрес: город Самарканд, улица Мирзо Улугбека, дом №70, 2-клиника СамГосМИ (Специализированный многопрофильный центр детской хирургии) Тел/факс: 0(366)-233-58-92,233-79-03, e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского Государственного медицинского института (зарегистрирована за № 4017). Адрес: 140100, г. Самарканд, улица Амира Темура, дом 18 Тел./факс: (+99866) 233-30-34.

Автореферат диссертации разослан «25» сентяб 2022 года.

(протокол рассылки № \_\_\_\_\_ от « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 года).



**А. М. Шамсиев**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Г.З. Шодикулова**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

**Ж.О. Атакулов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Аноректальные мальформации (АРМ) составляют большую часть детских заболеваний и остается сложным отделом детской реконструктивной хирургии в мире. По мнению исследователей «...не следует ожидать сходных результатов при лечении перинеальных свищей у мальчиков и девочек, поскольку они дифференцированы по половому признаку...»<sup>1</sup>. В настоящее время доказана необходимость регулярного скрининга других пороков в связи с преобладанием сопутствующих пороков почти в одном из двух случаев АРМ. Поэтому ранняя диагностика аноректальных аномалий и профилактика тяжелых осложнений у мальчиков является одной из важных задач.

Целевые научные исследования по детской колопроктологии во всем мире направлены на совершенствования скрининга частоты рождения детей с АРМ, связанных с пороками других органов и систем. Изучение формирования АРМ в процессе органогенеза, описание осложнений во время и на поздних сроках после операции, гендерно-специфический анализ результатов лечения АРМ, определение качества жизни пациентов. приобретает важное значения для совершенствования лечения и улучшения его результатов.

Реформы системы здравоохранения в нашей стране, позволят повысить качество и эффективность медицинской помощи за счет улучшения диагностики, лечения и профилактики АРМ у детей. Определены такие задачи, как «...Повышение качества специализированной медицинской помощи, оказываемой населению в нашей стране, дальнейшее реформирование системы экстренной медицинской помощи, профилактика инвалидности...»<sup>2</sup>. Учитывая частоту заболевания детей АРМ, зависимость нозологических форм от пола больных, тяжесть сопутствующих дефектов приобретает большое научное и практическое значение улучшение результатов оперативных вмешательств для снижения инвалидности и смертности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, изложенных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», постановлениях №ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию оказания

---

<sup>1</sup> Stenstrom P., Christina Kockum, Ragnhild Emblem, Einar Arnbjornsson, Kristin Bjornland Bowel symptoms in children with anorectal malformation – a follow-up with a gender and age perspective. *Journal of Pediatric Surgery* 49 (2019) 1122-1130;

<sup>2</sup> Указ Президента РУз от 07.02.2017 г. N УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Сборник законодательных актов.

